

# Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 12-FEVRAL, SESHANBA, 18 (8099)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Янгиқўрғондаги "Муродсултонбува" фермер хўжалиги раҳбари Сандолим Султонов туман Фермерлар кенгашининг раиси этиб сайлангани бежиз эмас. У олий маълумотли агроном бўлиб, 1991 йили Андижон пахтачилиги, аynи пайтда қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини туман, кейинчалик вилоят миқёсидаги қишлоқ хўжалиги идораларида ишлаб, катта тажриба тўплаган.



"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди томонидан аҳоли ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, атроф-муҳит муассофалигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил олиб борилди. Ушбу тадбирлар доирасида "Анъаналарни тикла - дарахт эк!" шиори остида талаба-ёшлар ва анжуман иштирокчилари томонидан кўчатлар экилиб, "Ёш экологлар" боллари ташкил этилди.



Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги тасвирий санъат галереясида "Шашмақом" лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Тадбирда Феруза Очилова, Шавкат Матёқубов, Азамат Эргашев, Илёс Арабов, Шухрат Холхўжаев, Зиеддон Рўзимов каби истеъдодли ёш ижрочилар Шашмақом туркумидаги мақомларни жонли ижро этишди.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Мамлакатимизнинг туристик компания ва фирмалари Латвиянинг Рига шаҳрида шу йил 8-10 февраль кунлари бўлиб ўтган «Balltour - 2013» йигирманчи халқаро сайёҳлик ярмаркасида иштирок этди.

► Ўзбекистон давлат консерваториясида Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2013 йилнинг мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилинган ҳамда Алишер Навоий таваллудига 572 йил тўлиши муносабати билан маданий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ўзбек ва ҳинд санъат усталари ижросида куй-қўшиқлар янгради, рақслар намойиш этилди. Фазал мулкнинг султони Алишер Навоий қаламига мансуб асарлардан намуналар ўқилди.

► Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида "Ёшлар - гиёҳвандлик, одам савдоси ва терроризмга қарши" шиори остида "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир доирасида шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифокорлари томонидан ёшлар билан ОИТС, гиёҳвандлик, бу иллатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш борасида қизиқарли суҳбатлар ўтказилди, иштирокчиларга буклет ва кўргазмалар материаллар тарқатилди.

Анжунан Вилояти

## НАФИС ВА СЕРЖИЛО ЧИННИЛАР



Балиқчи тумани ўрмонбек қишлоғида фаолият олиб бораётган «Xuanshi keramik» корхонасининг чинни буюмлари тобора хариддориг бўлиб бормоқда.

Замонавий технология билан жиҳозланган корхонага Хитойнинг «Чжун Синлян» ташқи иқтисодий компанияси томонидан 342 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилган. Қирқ киши иш билан таъминланган корхонада аynи пайтда чойнак, пиёла, гулдон, ликопча каби ўн турдаги нафис ва сержило чинни буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Қундухон Исқандарова. Хурсандбек АРАББОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## ЮКСАЛИШ ОДИМАЛРИ

Навоий Вилояти

## НОДИР МЕТАЛЛАР ЗАХИРАСИ

Қизилқум бағридаги Зарафшон замини фойдали қазилмаларга бой. Бу минтақа қазиб олинаётган қимматбаҳо рангли металлари билан мамлакатимиз иқтисодиётида нуфузли ўринга эга.

Шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган "Довғизтов" геология-қидирув экспедицияси қимматбаҳо рангли металл заҳираларини қидириш, қазиб олишга тайёрлаш билан шуғулланади.

Корхона таркибидаги геология-қидирув, пармалаш, бургилаш, кон иши ва бошқа участкаларда 330 нафарга яқин турли касб эгалари меҳнат қилишяпти. Аynи пайтда корхона геологлари томонидан "Сентябрь", "Қораунгур", "Фозилбек", "Қумтош", "Қорабугут", "Шимоллий-Қорабугут", "Шахетов" конларида геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Қидирув натижасида олинётган намуналар Марказий илмий-тадқиқот ва 2-гидрометаллургия заводи лабораторияларига юборилаяпти.

Мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари, изланишлари туфайли яқинда "Сентябрь" участкасида нодир металл заҳираси аниқланди.

Корхонага нодир ва рангли металл заҳирасини аниқлаш, очиш ишларини янада жадаллаштиришга кўмаклашувчи янги техника ва технологиялар жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Ўтган йилда эса майдалаш тегиримонлари янгилашиб, замонавий ҳамда қулай ўлчаш асбоблари сотиб олинганди.

Абдурашул САТТОРОВ

Сургадө Вилояти

КОЛЛЕЖ-КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

## АМАЛИЁТ ЖОЙИ ЭРТАНГИ МУҚИМ ИШ ЎРНИ

Сайхунобод туманидаги Гулистон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежини ўтган йили 119 нафар ўқувчи битириб, уларнинг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганди.

— Уч томонлама шартнома асосида аynи вақтда ҳам ўқувчиларимиз 8 та корхона ва ташкилот, 20 та фермер хўжалигида амалиёт ўташмоқда, — дейди коллеж директори Равшан Нормухаммедов. — Жумладан, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш мутахассислиги бўйича таълим олаётган ўқувчилар амалиётни туман электр тармоқлари корхонасида ўтамоқда. Ўтган йили мазкур йўналишни тамомлаб, диплом олган ёшларнинг 12 нафари бугунги кунда электр тармоқлари корхонасида самарали

меҳнат қилишмоқда. Тикувчилик йўналиши бўйича битираётган қизлар эса Гулистон шаҳридаги "Нафис либос" ва "Ҳабиб текс" қўшма корхоналарида амалиётни ўташ бораберида ушбу корхоналарнинг доимий чеварларига айланаётган. Коллежнинг ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалигига техник хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби йўналишида ўқибётган ўғил-қизлар ҳам уч томонлама тузилган шартномага биноан амалиётни келгусида ўзлари иш бошлайдиган корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларида ўтаб, касб

сирларини пухта ўзлаштирмоқдалар. Коллежда ёшлар чуқур билим олиб, изланишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Ўқув хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган. 8 та фан тўғраги, 10 та касбий тўғрақ доимий ишлаб турибди. 5000 дан зиёд китоб фондига эга Ахборот-ресурс маркази ўқувчилар хизматида. Ўқувчилар пухта билим олиб, касб сирларини эгаллашларида Малик Аҳмедов, Назокат Ашурбоева, Шерзод Алматов, Наргиза Фаниева, Раим Маманазаров, Эркин Турунов, Нар-

зулла Қаюмов, Иномжон Эгамназаров каби ўқитувчилар ва касбий таълим усталарининг хизматлари катта бўлмоқда. Коллежда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам кишининг ҳавасини келтиради. 60 сотих майдонда барпо этилган боғ ҳадемай ҳосил бера бошлайди.

Ўқув ва амалиёт узвийлигида олиб борилган жамоада, албатта, натижалар салмоқли бўлиб, ёшлар баркамол ўсаверади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Қашқарғарё Вилояти

## ПАРРАНДА ОРТИДАН ҚУВГАН «ЧАВАНДОЗ»

Дехқонобод туманидаги "Эшбой чавандоз" хусусий корхонаси паррандачиликка ихтисослашган. Ўтган йили тадбиркор Ҳалима Аллаева "Микрокредитбанк"дан 30 миллион сўм кредит олиб, корхонага замонавий технология ўрнатди.



— Аввалига Чироқчи туманидаги "Истиклол" паррандачилик корхонасидан 1170 та "Ломанн Браун" хўжалиги олиб келиб, парваришладик, — дейди иш юритувчи Анвар Худоев. — Аҳолига ўтган йилнинг тўрт ойи ичида 80 минг донага яқин тухум етказиб бердик. Ялли даромад 4 миллион сўмдан орти. 7 нафар киши доимий ишли бўлди. Корхона жамоаси Обод турмуш йилида товуклар сонини 3 мингга етказишга аҳд қилишган. Шу мақсадда қўшимча бино бунёд этиш, замонавий жиҳозлар олиб келиш режалаштирилмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

## ФЕРМЕРНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Амударё тумани Ўрта қалъа овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Ергулобод" фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Россиянинг "Коласк" фирмаси замонавий ускуналари ўрнатилган цех бир кеча-кундузда 1 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Аynи кунда 5 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган цехда касб-хунар коллежларини тугатган 6 нафар ёш иш билан таъминланди.

Туманда чорвачиликка ихтисослашган 29 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар томонидан ўтган йили 1512 тонна сут, 167 тонна гўшт маҳсулотлари етиштирилди. Молларнинг наслини яхшилаш мақсадида ўтган йили Польшадан 142 бош, Украинадан 19 бош зотдор моллар олиб келинди. Туман ҳудудида 11 та зооветеринария шохобчаси ташкил этилган бўлиб, улар томонидан фермер хўжаликлари ва аҳолига 74 миллион 800 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ

## БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА БУЮК МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 572 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, АДАБИЙ КЕЧАЛАР, ИЛМИЙ АНЖУМАНЛАР, МУШОИРАЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Анъанага кўра, 9 февраль кuni Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий бода шоир таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавият тарғибчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Шухрат Сирожиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукр ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилётган эзгу саъй-ҳаракатлар миллий адабиётимизни ри-

вожлантириш, халқимиз, аynиқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз раванқида улуг шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг аҳамияти беқиёсдир. Мамлакатимизда Навоий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарлари жамланган йигирма жилдлик ва ўн жилдлик тўпламлар халқимизга тақдим этилди. Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари ҳар қачонгидан ҳам

долзарблик касб этмоқда. Шу боис улуг шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Шоир ўз асарларида улуғлаган юрт равнақи, ободлиги, ҳусуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлашдек эзгу ғоялар Президентимиз томонидан эълон қилинган Обод турмуш йили мазмун-моҳияти билан ғоят Ҳамоҳангдир. Тадбирда Алишер Навоий доҳасига бағишланган шеърлар ўқилди. Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.



Шу кuni пойтахтимиздаги Шоирлар хибонасида Алишер Навоий таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда адабиёт ихтисосдорлари, шоир ва ёзувчилар, навоийшунос олимлар, ўқитувчилар қатнашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов, филология фанлари док-

тори, профессор Хамидулла Болтабоев ва бошқалар Навоийнинг ижодий мероси ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, ҳалоллик, поклик каби фазилатлар руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Буюк шоир таваллуд санасига бағишланган адабий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда. Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил якунлари ва 2013 йилдаги устувор вазифалар бағишланган йилгиликдаги маърузасида қурилиш соҳасида Оролбўйида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Хусусан, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция Дастури тўғрисидаги Қарори мувофиқ, ўтган йили бу ерда 2 та умумтаълим, 3 та Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 2 та болалар спорт мажмуаси ва спорт заллари, 2 та қишлоқ врачлик пунктлари янгидан қурилди. 9 та умумтаълим мактаблари, 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳузуридаги республика теннис мажмуаси, 11 та туман ва шаҳар касалхоналари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва ётоқхоналари реконструкция қилинди.

### ОРОЛБЎЙИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театри, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги биноларида капитал реконструкция ишлари олиб борилди. Аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 192,8 километр ичимлик суви, 47,8 километр газ тармоғи тортилди. «Тараққиёт учун озиқ-овқат» Дастури доирасида грант маблағлари ҳисобидан Шуманай туманидаги «Қанлиқўл-Дехқонобод» хўжалиқлари сув тақсимлаш станциясида 1,9 миллиард сўмлик қурилиш ишлари олиб борилди. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида Оролбўйининг 18 та мавзасида 375 та 4 хонали, 25 та 5 хонали намунавий уй-жойлар қуриб битказилди. Янги мавзёларга 21,9 километр ичимлик суви, 18,8 километр газ ва 18,1 километр электр тармоқлари тортилиб, 14,7 километр узунликдаги ички йўللар қурилди. Шунингдек, худудларда 2 та умумтаълим мактаблари, 2 та қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла гузарлари, 5 та савдо ва 2 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, новвойлана ва автобекларнинг қурилиб фойдаланишга топширилши қишлоқ аҳолисининг кундалик эҳтиёжини шу ернинг ўзида ҳал этиш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 мартдаги «2011 йилда халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган умумий фойдаланиладиган автомо-

билъ йўллари таъмирлаш Дастури тўғрисида»ги қарори бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилди. Халқаро аҳамиятга эга «Гузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу» автомобиль йўлида 66 миллиард 544 миллион сўмлик иш бажарилди. Бундан ташқари, давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлиларида 2 миллиард 358,7 миллион сўмлик, маҳаллий аҳамиятдаги йўлларида 2 миллиард 852,4 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

— Бунёдкорлик ишлари Обод турмуш йилида ҳам давом этади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги инвестиция ва инвестицион дастурлар бўлими бошлиғи Сардорбек Сапаров. — 2013 йилги инвестиция Дастурига мувофиқ 101 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкциялаш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Жумладан, 26 та умумтаълим мактаблари, 13 та касб-ҳунар коллежлари, 2 та академик лицей, 7 та касалхона, 6 та қишлоқ врачлик пунктлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 8 та болалар спорт объектлари, 3 та Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 4 та ҳарбий хизматга чақирув пунктларини қуриш ва реконструкция қилиш, 29 та ичимлик сув тармоқларини ишга тушириш белгиланган. 550 та янги йўл қурилади. Шунингдек, автомобиль йўллари таъмирлаш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш, шаҳар ва туман марказларида, қишлоқларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади.

**Давуд АБИДУЛЛАЕВ,** «Qishloq hayoti» мухбири.

Хоразм Вилояти

МОДЕРНИЗАЦИЯ – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

### «Урганч экскаватори»нинг иккинчи ёшлиги

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганлигининг асосий омили ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга, истиқболли дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга катта эътибор қаратилаётганлигидир.



Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда жойлардаги ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш орқали корхоналар фаолиятини жонлантиришга эришилмоқда.

«Урганч экскаватори» очiq акциядорлик жамиятида ҳам молиявий имкониятлар келлиб, банкрот ҳолатига тушиб қолган эди. Маълумки, Юртбошимиз раҳнамолигида, ҳукуматимиз томонидан сўнгги йилларда Хоразм вилояти саноатини ривожлантиришга энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилдаги қарорига мувофиқ Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадларини қўлаб қорхона «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тасарруфига ўтказилди. Белгиланган Дастурга мувофиқ, унинг фаолиятини тиклаш учун компания томонидан 10 миллиард сўм миқдорда инвестиция киритилди. Шу маблағ соҳибига тўхтаб қолган ҳелларда иш жараёнлари қайта бошланди – экскаваторларни таъмирлаш йўлга қўйилди. Дастлаб корхонада узок йиллар меҳнат қилган, ўз ихтисоси бўйича катта малакага эга ишчилар ишга тақлиф қилиниб, шу ерда меҳнат қилиш истагини билдирган 20 нафар

ёш уларга бириктириб қўйилди. Ўтган қисқа вақт мобайнида 9 та экскаватор мукамал таъмирланди, худудларга жўнатилди. Жорий йилда киритилган инвестиция салмоғини 30 миллион сўмга етказиш, шулар ҳисобидан «Shan TV» русумли 25 та замонавий экскаваторлар ишлаб чиқариш кўзланмоқда.

Президентимизнинг «2013–2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан 253 лойиҳа амалга оширилади. Вилоят иқтисодиётига 462 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция жалб қилиниши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан 120 миллион долларлик 213 та лойиҳа амалга оширилади. Ана шу кўрсаткичлар асосида белгиланган дастурга асосан «Урганч экскаватори» ОАЖ корхонасини молиявий жиҳатдан буткул соғломлаштириш, унинг қувватини қайта тиклаш ва янада ошириш бўйича ишлар режалаштирилмоқда. 15 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилиб, яқин йиллар ичида экскаватор ишлаб чиқариш салоғини йилга 100 тага етказиш, айна пайтда

бульдозер, землесос ва экскаваторлар учун эҳтиёт қисмларга катта аҳамият қаратилмоқда. Яқинда Австралиядан 4 та замонавий дастгоҳ келтирилиб, ўрнатилган бўлса, йил охирига қадар Россиядан кесиш, резбалар йўниш, металл конструкцияларини тайёрлашга мўлжалланган, лазер нури асосида ишлайдиган 20 та дастгоҳ келтирилади.

Биз воҳа саноатини ривожлантириш сари қўйилган илк қадамлар сифатида «Урганч экскаватори» очiq акциядорлик жамиятида олиб борилаётган ишларга қисқача тўхталдик, холос. Қадим воҳанинг Питнак шаҳрида «Дамас» русумли енгил автомобилна, Қўшқўпир туманининг Янгилик қишлоғида велосипед ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, «SV SHOYDI» масъулият чекланган жамиятида йилига 4 миң тонна томат пастаси ишлаб чиқариладиган корхонанинг фаолият кўрсатиши республикамиз иқтисодиёти янада ривожланиб, эртанги ҳаётимиз янада фаровон, обод бўлишига замин яратиши, аниқ.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,** «Qishloq hayoti» мухбири.

Қашқарар Вилояти

**ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ**  
Китоб туманидаги Севаз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Magma ground» корхонасига замонавий ускуналар келтирилиб, янги цех ишга туширилди.

Хомашёни қайта ишлаш натижасида бўр ишлаб чиқарилган кийимати 25 миң АҚШ долларига тенг ушбу ускуна корхона мутасаддиларининг ташаббуси билан Хитойдан келтирилди. Корхонани модернизация қилиш натижасида уч нафар янги иш ўрни яратилди.

### КОРАШИНАДА ЗАМОНАВИЙ БИНО

Дехқонобод туманидаги Қорашина шаҳарчасида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли юкумли касалликлар бўлимининг янги биноси ишга туширилди.  
Лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўм бўлган бу бино «Пайвандлаш» хусусий корхонаси томонидан бунёд этилди.

### ЎЗГАРТИЛГАН САЛОНИ

Ўзғартирилган марказидаги «Shadozi» ўзгаллик саломида келинлар либослари бўлимини очилди. У ерда мижозларга тайёр ҳамда бюортма бўйича тикилган келинлар либослари тақлиф қилинмоқда.

— Ёш ишбилармон қизимиз Гулҳаё Эргашеванинг бу саяё-ҳаракати билан яна икки киши иш билан таъминланди, — дейди яқка тартибдаги тадбиркор Феруза Бердиева. — Бежирим, янги фасондаги либослар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

### ШАҲРИСАБЗНИНГ МИНЕРАЛ СУВИ

Шаҳрисабздаги «MasteV-Kesh» масъулият чекланган жамияти томонидан газланган минерал сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.  
Бунинг учун МЧЖ тадбиркорлари банкдан юз миллион сўм миқдорда кредит олишди. Ушбу саяё-ҳаракатлар натижасида 10 кишининг бандлиги таъминланди.  
**Хусан ТЕМИРОВ,** «Qishloq hayoti» мухбири.

Наманган Вилояти

## КЕНГАШ ЕТАКЧИСИ

Янгиқўрғондаги «Муродсултонбува» фермер хўжалиги раҳбари Саидолим Султонов кўпчилик овоз билан туман Фермерлар кенгашининг раиси этиб сайланганига бежиз эмас. У олий маълумотли агроном бўлиб, 1991 йили Андижон пахтачилик, айна пайтда қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини туман, кейинчалик вилоят миқёсидаги қишлоқ хўжалиги идораларида агроном, бош агроном вазибаларида ишлаб, катта тажриба тўплаган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлар, мулкчилик шакли ва ерга бўлган муносабатларнинг тубдан ўзгариши, Саидолим Султоновнинг фермер сифатида мустақил иш юритишида муҳим аҳамият касб этди. У 2003 йил 15 гектарлик экин майдонида фермер хўжалиги ташкил этди. Ўтган даврда мазкур фермер хўжалиги ҳар тарафлама ривожланди, кенгайди. Ер майдони 84 гектарга, аъзолари сони эса 30 нафарга етди. Фермер хўжалигида галла-

чилик, пиллачилик, чорвачилик, богдорчилик, сабзавотчилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа экин турларига ҳам катта эътибор қаратилди. Айниқса, 50 сотих жойда иссиқхона ташкил этилганлиги, бу ерда қўшимча иш ўринлари яратилиб, улар томонидан эл-юрт дастурхонига эртанги помидор, бодринг ва турли хил кўкатлар етказиб берилаётганлигини алоҳида эътибор эътиш жоиз. Мавжуд «МТЗ-80», «ТТЗ-80-11» тракторларни қаторидан замонавий «Арион» тракторининг жой эгаллаши эса



мазкур фермер хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан бақувват эканлигидан далолат беради. — Зиммага олинган юксак масъулият ҳисси кундан-кунга ортиб бораётти, — дейди Янгиқўрғон тумани Фермерлар кенгаши раиси Саидолим Султонов. — Кўпчиликнинг назарига тушиб, масъулиятли вазифага сайланганлигим мени янада ғайрат кўрсатиб ишлашга чорлайди. Туманимиз бўйича жами 479 та фермер хўжали-

лари бўлиб, шундан 212 нафари галлачилик, 185 нафари богдорчилик, 16 нафари пиллачилик, 14 нафари чорвачиликка ихтисослашган. Шунингдек, жойларда сабзавотчилик, балиқчилик, асаларичилик йўналишларида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Уларнинг барчаси яқинда бўлиб ўтган фермерлар ўқувида фаол қатнашиб, ўзларига керак-

ли назарий ва амалий билимга эга бўлдилар.

Бугунги фермер нафақат мамлакат аграр тармоғини, балки қишлоқларни ривожлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини оширувчи етакчи қўлга айланган бораётти. Буни тўғри англаган фермерлар янги марралар сари илдам бормоқдалар.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,** «Qishloq hayoti» мухбири.  
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Навоий Вилояти

Саҳро бағридаги Довғизтов сўлим ва обод замонавий кўрғон. Бу ерда турли миқлат ва элат вакиллари билан иборат кончилар, геологлар, уларга хизмат кўрсатувчи хизмат соҳалари ходимлари умргузаронлик қилишмоқда. Қимматбахо олтини ва бошқа турдаги рангли металлари билан донг таратган Зарафшон шаҳри таркибидаги кўрғон аҳли бугун бутун бир Қурувчи маҳалласини ташкил этади. Кўрғон мазкур шаҳардан 45 километр узоқликда. Аммо шунга қарамай довғизтовликларнинг Зарафшон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз ўрни бор.

Кўрғондамиз. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элмамат Мадаминов кўрғондаги аҳиллик ва ободончилик ҳақида гапирди:

— Одамларимиз ахил ва иноқ, Улар бир-бирининг яқини-ёқини кунидан, иссиқ-совуғидан, тўймаърақасидан доимо хабардор. Миллатидан қатъи назар, ҳамжиҳатлики уништирмайди, озодалик ва орасталик учун бирдай курашади.

Маҳалла раиси йўл четида қад ростлаган шинам дўконларга бошлади. Кўрғонда эл хизматида камарбаста тадбиркор, ишбилармонлар кўп экан. Улар аҳоли эҳтиёжи учун зарур озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан дўконлар пештахталарини тўлдириб ташлаган. Тадбиркорлардан бири Улуғбек Нуров эса кўрғондошлари дастурхонига табаррук неъмат — нон етказиб бер-

моқда. У новвойхонани ишлаштириш билан билга ўтган йили эркаклар ва аёллар гўзаллик саломи ташкил этиб, 5 нафар довғизтовликларни иш билан таъминлади. — Кунига 300 тадан зиёд нон тайёрлаймиз, — дейди Улуғбек. — Келгусида нон турларини кўпайтириш ниятимиз бор. Бунинг учун новвойхонани кенгайтираямиз. Кўрғондаги мактабгача таълим муассасасида 110 нафар жажжи ўғил-қизлар тарбияланмоқда. — Қирқ йилдан буён шу ерда ишлайман, — дейди муассаса раҳбари Галина Губина. — Ўғил-қизларимиз таълим-тарбияси учун 7 нафар тарбиячи масъул. Богчамизда болаларнинг овқат-

ланиши, дам олиши, ўйнаши учун барча шарт-шароит етарли. Турли кўнглиночар тадбирлар, спорт мусобақалари уюштирамиз. Бу уларнинг соғлом фикрли, шижоатли бўлиб вояга етишларида ниҳоятда муҳим.

Ушбу мактабгача тарбия муассасасида фаолият юритаётган Гулрух Назарова ҳамда унинг турмуш ўртоғи Сирож Назаровларнинг оиласи кўрғондаги ёш, ахил ва иноқ, намунали оилалардан дея таърифланади.

— Келин бўлиб тушганимда, қайнона-қайнотамнинг катта

га бориб тақаладиган Бухоро зардўзлик мактабининг ўзига хос йўналишига эғалиги билан боғлиқ. Халқ мероси сифатида қадрланган келинган зардўзлик санъати мустақиллик йилларида юртимизда ҳунармандчилик ва касаначиликка берилган катта эътибор туфайли ўзини янада ёрқинроқ англаша бошлади.

Довғизтовлик ёш чевар, зардўз Соҳиба Орипова ҳам Бухоро зардўзлик мактаби анъаналарини давом эттираётти. У кўрғондаги хотин-қизлар учун зардўзи тўн, дастурхон, сўзана каби буюмлар

тикиб бермоқда. Соҳибанинг дастлабки яратган кичик-кичик зардўзи буюмлари қаторига кейинчалик кўзга кўринарли мактаби зардўзлик қўшилди. Гулдўзи, заминдўзи усулида тиккан буюмлари кўрғондошлари эътиборига тушди. Энди Соҳиба оддий чевар эмас, балки ҳунармандга айланган, буюртмалар қабул қила бошлади.

— Зардўзлик кишидан сабр-тоқат, чидам, катта маҳорат талаб этади, — дейди у. — Бугун зардўзлик сир-асрорларини янада яқинроқ ўрганамиз, шу ҳунарни мукамал эгаллаш, моҳир зардўз бўлишга ҳаракат қилияман. Довғизтовлик қизлар учун тўғарак

### МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

ташкил этиш ва уларга зардўзлик хунарини ўргатиш мақсадим ҳам бор.

Маҳалла раисининг таъкидлашча, илгари довғизтовликлар шифокор кўригидан ўттиш учун узоқ йўл босиб Зарафшон шаҳрига боришга мажбур бўлишган. Бугун эса Довғизтовда қишлоқ врачлик пунктида кундузги даволашни, муолажа, стерилизация, умумий амалиёт, эмлаш, доя, болалар, стоматология, физиотерапия хоналари ҳамда замонавий

таббий ускуналар билан жиҳозланган лаборатория мавжуд. Бу ерда икки нафар умумий амалиёт шифокори, 7 нафар ҳамшира, 2 нафар кичик ҳамшира меҳнат қилипти. «Саломатлик-2» дастури асосида КВП замонавий табий ускуналар билан жиҳозланди. Натижада беморларга биринчи ёрдам кўрсатилишидан тортиб, қисқа муддатда, шу ернинг ўзида ташкил қўйиш, ҳатто, ҳомила юрагини бемалол эшитиш имконини бермоқда. «Автоклав» табий ускунаси орқали эса барча табий жиҳозлар тез ва ишончли стерилизация қилинади.

— Шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли пунктимиз 2298

Андижон Вилояти

Тадбиркор Раҳимберди Раҳимов анча йиллардан буён бўш турган бинони «Саноатқурилиш-банк»нинг Хонобод филиалидан олган 500 миллион сўм кредит ҳисобига капитал таъмирдан чиқарди. Сўнгра эса Туркиядан 338,4 миң АҚШ доллари тенг 139 та тикув машинаси ҳамда бошқа турдаги жиҳозларни олиб келиб ўрнатди.

### «ТАДБИРКОР БИЗНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ»

— дейишмоқда Хонобод шаҳридаги коллежларни битирган йигит-қизлар

Ҳозирда «Lens textile invest» масъулият чекланган жамиятининг тикувчилик корхонасида 250 нафар киши меҳнат қилмоқда. Доимий иш ўрнига эга бўлганларнинг 210 нафарини ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этмоқда. Уларга малакали мутахассислар устозлик қилишиб, касб сирларини кунт билан ўргатишмоқда.

— Корхонамизнинг имконияти йилига 1,5 миллион донна кийим-кечаклар тайёрлашга етади, — дейди МЧЖнинг ижрочи директори Мансуржон Маматов. — Маҳсулотларимизга талаб катта. Жумладан, Россиядаги тўқимачилик-тикувчилик компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатиб, йилига 1 миллион АҚШ доллари миқдоридоги маҳсулотни экспорт қиламиз.

Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга яратиб берилаётган имконият ва шароит боис кеча хувилаб турган бино бугун хонободликлар таърифи билан айтганда, гуруллаб ишлаётган корхонага айланди. Ишчилар учун яратилган шароит бу ерда бўлган ҳар бир кишининг эътиборини тартади. Мутасаддиларнинг сўзларига қараганда жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 380 кишига етади. Натижада ишлаб чиқариш қуввати яна 40 фоизга кўтарилади. Сўнгги босқичда эса кийим-кечак тикиш учун бирламчи хомашё бўлган трикотаж матолар шу ернинг ўзида тўқиляб, ранг берилди.

**Кобилжон АСКАРОВ,** «Qishloq hayoti» мухбири.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2013 – 04
ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ
ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА
ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА.

Выпущено: 12 Февраля 2013 г.

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 5 Марта 2013

1. Для Республики Узбекистан предоставлен мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обремененных капитальных средств Азиатского Банка Развития (АБР) на финансирование расходов по «Программе строительства жилья для комплексного развития села» (ПСЖКРС).

2. Для участия в конкурсных торгах принимаются запечатанные пакеты по нижеуказанным лотам от правомочных офферентов тендера. Только правомочные участники тендера, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к тендерным торгам.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов - с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам:

Ташкентский филиал
Адрес: г.Ташкент, ул. Навоий 18
Телефон: (8 371) 241-15-22
Факс: (8 371) 241-15-32

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежку из банка о невозвращаемой оплате в сумме 65 000 узбекских сумов.

5. Невозвращаемую сумму оплаты за один пакет документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов - соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Банковский счет
Ташкентского филиала
Банк: ОАКБ «Узпромстройбанк»
г. Ташкентской областной филиал
ИНН: 300017720
Р/с: 20210000704546027001
ОКОНХ: 84500

6. Форматы для документов, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и документы, приведенные в следующих параграфах.

7. Техническое конкурсное предложение должно содержать документы, перечисленные в ИУТ 11.2:

- а) Письмо - техническое предложение, в соответствии с ИУТ 12 и 16;
б) Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19;
в) Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное предложение в соответствии с ИУТ 20.2;
г) Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17;
е) Техническое предложение в соответствии с ИУТ 16;

ф) Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов.

8. Ценовое конкурсное предложение должно содержать документы, перечисленные в ИУТ 11.3:

- а) Письмо - ценовое предложение, в соответствии с ИУТ 12 и 14;
б) Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 11.3 и 14;
в) Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

9. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии конкурсного предложения, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные «Копия», которые должны быть в точности такими же, как и оригинал.

Участник торгов также должен предоставить техническое предложение, включая электронную копию, в одном конверте, с отметкой ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Ценовое предложение, включая электронную копию, должно быть представлено в другом конверте, с отметкой ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Оба конверта содержащие оригинал технического и ценового предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных, должным образом, маркированных конвертах с надписями «ОРИГИНАЛ-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ», «ОРИГИНАЛ-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ» и «КОПИЯ №...-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ». Обе копии должны быть идентичны по формату и содержанию как оригинал.

Для технического и ценового предложения, отдельно. Участник торгов должен предоставить электронную копию оригинала технического предложения, включая электронную копию Формы Участника ПСЖКРС - Часть 1, включенную в пакет тендерных документов. Электронную копию оригинала ценового предложения с электронной копией Формы Участника ПСЖКРС - Часть 2 и ресурсную смету, входящих в пакет тендерных документов. Все электронные копии должны быть предоставлены в отдельных CD дисках или флеш-носителях информации, находящихся в рабочем состоянии и безопасных от вирусов. В случае расхождения между распечатанным оригиналом и электронным оригиналом, распечатанная версия будет превалировать. Кроме оригинала предложения, две копии, идентичные содержанию и формату оригинала, должны быть предоставлены.

10. Оферты принимаются Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам, начиная со дня объявления о проведении конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Тендерные предложения будут получены соответствующими Территориальными консалтинговыми центрами по ценообразованию и конкурсным торгам в день или раньше срока 12:00, 5 Марта 2013 года.

11. Если последний срок подачи оферты попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

12. Вскрытие оферт состоится ровно в 12:00 часов дня в последний день подачи заявок 5 Марта 2013 года в присутствии представителей участников торгов. Оферты будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Хокимият
Ташкентской области
Адрес: г. Ташкент,
ул. Мовароуннахр 17.
Телефон: +8 (371) 236-77-68
Факс: +8 (371) 236-77-68
Эл.почта: amon\_7777@inbox.ru

13. Открытые форумы для заинтересованных подрядчиков будут проводиться в соответствующих региональных хокимиятах, согласно дате и адресу, указанных ниже:

Открытый форум
18 февраля 2013 года в 10:00
Хокимият
Ташкентской области
Адрес: г. Ташкент,
ул. Мовароуннахр 17

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2013 – 04
ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ
ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА
ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА.

Выпущено: 12 Февраля 2013 г.

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 5 Марта 2013

Table with columns: № лота, Область, Район, Массив, Ближайший центр/город, Ближайшее расстояние к центру/городу (км), Кол-во домов по Лоту, Номер домов по Лоту. Rows list various lots (644-688) across different regions and districts.

«НОРИН-СИРДАРЁ» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚЎЙДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНАЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАЪЛИМ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ-5/1. Наманган вилояти Чуст туманидаги хўжалиқларо "Хиссарак-Шўркант" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (31,236 км.). Бошланғич нархи ҚҚСсиз 133 726 473 сўм. Бақариш муддати 145 кун.
ЛОТ-5/2. Наманган вилояти Чортоқ туманидаги хўжалиқларо "Чортоқсой" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (15,0 км.). Бошланғич нархи ҚҚСсиз 107 246 420 сўм. Бақариш муддати 90 кун.
ЛОТ-5/3. Наманган вилояти Мингбулок туманидаги хўжалиқларо "Қорақалпоқ" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (103,5 км.). Бошланғич нархи ҚҚСсиз 459 103 796 сўм. Бақариш муддати 300 кун.
Буортмачи: Наманган шаҳри Охунбоев кўча 68-уйда жойлашган Норин-сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

шюотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий ва техникавий малакага ва молиявий имкониятларга эга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибли ва ишончли бўлишлари шарт.
Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.
Қатнашилари тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадига улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашилари тендер тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча ра-

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!
«EKSPRESS INFORM SAVDO» РИЭЛТОРЛИК АГЕНТЛИГИ СИЗЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Наманган вилояти Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 06 февралдаги 21/ас-ер сонли буйруғига асосан 2013 йил 20 март кун соат 10:00 да Наманган шаҳар Банк кўчаси 9-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига яқка тартибда уй-жой қуриш ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қўйидаги ер майдонлари ҳамда бино иншоотлари қўйилмоқда:
Наманган вилояти Норин тумани Хўжаобод массиви худудидан деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган, ҳар бири 0,05 гектардан бўлган 1-сонли 1 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 185 000 (Бир юз саксон беш минг) сўм. Закалат пули 100 000 (Бир юз минг) сўм.
Наманган вилояти Норин тумани Хўжаобод массиви худудидан деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган, ҳар бири 0,038 гектардан бўлган 2-сонли 1 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 141 000 (Бир юз қирқ бир минг) сўм. Закалат пули 100 000 (Бир юз минг) сўм.
Наманган вилояти Норин тумани Хўжаобод массиви худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 1 дан - 17 гача жами 17 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 200 000 (Икки юз минг) сўм. Закалат пули 100 000 (Бир юз минг) сўм.

Бешкапа МФЙ худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 1 дан - 2 гача жами 2 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 100 000 (Бир юз минг) сўм. Закалат пули 100 000 (Бир юз минг) сўм.
Наманган вилояти Чортоқ тумани Короскон ҚФЙ худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 1 дан - 3 гача жами 3 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 150 000 (Бир юз эллик минг) сўм. Закалат пули 150 000 (Бир юз эллик минг) сўм.
Наманган вилояти Чортоқ тумани Сарой ҚФЙ худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 1 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 100 000 (Бир юз минг) сўм. Закалат пули 100 000 (Бир юз минг) сўм.
Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдақа қишлоғи 191-сонли контур Қумтела маҳалласи худудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 10, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33 ва 38 сонли

жами 12 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 210 000 (Икки юз ўн минг) сўм. Закалат пули 150 000 (Бир юз эллик минг) сўм.
Ер майдонлари ва бино иншоотлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, каналлизация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасининг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уй (Мўлжал: Узагро-сувурга Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон (8-369) 226-20-23.
2013 йил 20 март кунларидаги очик аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2013 йил 27 ва 3, 10 апрель кунлари соат 10:00 да юқорида қўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдога қатнашиш учун закалат пулини "EIS" МЧЖнинг "УзСанотҚурилишбанк" Наманган филиалида, МФО 00224, СТИР 302118546, х/р 20208000204940071001 ҳисобрақами тўлашлари шарт: Телефон (8369) 226-20-23, 226-14-62.

Тошкент ш. Ҳама т. ТСРЙ томонидан (ростр № 004116-07, 10.10.2012 й.) ўтказилган олиғи ва Ҳама т. Мўйина қ. 103-й м. 24.09.2012 й. да қайта ўтказилган олиғи ва "SHARQ VIDEO MEDIA" МЧЖ 01.02.2013 й. даги 1-сонли Карорига асосан ўз фаолиятини иктирий равишда тугатишни маълум қилди. Давлатор 2 ой мобайнида 387-41-44 тел. орқали қабул қилинади.
Угеряние документи: Свидетельство выданное государственной инст. Шайхантауровского р-на № 202670062, 19.02.2009; Свидетельство выданное органом статистики Шайхантауровского р-на № 47647, 24.04.2009; Свидетельство о регистрации логотипа № 522, 14.04.2009; принадлежало Федерации Кикбоксинга Узбекистана, считать действительными.



Решид ГАЛИЕВ отгани сураёт.

ДИЛГА ЯҚИН НАВОЛАР ТАРАННУМИ

Мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллиги бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда.

Адабиёт ва санъат ихлосмандлари, шоир ва ёзувчилар, ўқитувчи ва талабалар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этган тадбирда Лутфий, Атойи, Фузулий, Хувайид, Машраб, Мунис, Увайсий, Огахий, Амирий, Фуқрат, Мискин каби шоирлар ижодидан ҳамда буюк шоир, мутафаккир Навоий қаламига мансуб газаллардан намуналар ижро этилди.

Сир эмаски, инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғуллар улуғланган асарлар доимо қадрланиб келинади. Бундай эзгуликлар Шашмақом оҳангларининг ҳар қатига сингиб кетган, десак ҳам муволажа бўлмайди.

Гулноза ТУРҒУНБОВА

ЭКОЛОГИЯ МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН

"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди томонидан аҳоли ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Чинор" ЭНК ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Қашқадарё вилоятидаги Хисор давлат қўриқхонасига, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманига ва Олмалиқ шаҳрига, шунингдек, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида медиатурлар ташкил қилинди.

ҳамда Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида Ҳоким ота, Бўзотов, Маделюл фуқаролар йиғинларида босма кранлар қуриб берилди.

орқали юқадиган юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари ҳамда жорий йилда 7 та қишлоқ врачлик пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

публика фотосуратлар (экология оид) қўриқ-танловларида иштирокчи бўлишлари ўзларининг ижодий ишлари билан фаол иштирок этилди.

Тошкент вилояти, Бекобод тумани Зафар шаҳарчасида сув кудуги ва сув қувурларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Миркарим МИРСОВУРОВ



ЯХЁ ПОЛВОН ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ГОЛИБИ

Парижда дзюдо бўйича "Катта дубулга" туркумидаги халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси аъзолари битта олтин ва битта бронза медаллари қўлга киритди.

"Катта дубулга" — Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан ўтказилган нуфузли тўрт халқаро турнирдан иборат.

81 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан ҳамюртимиз Яхё Имомов финалда грузиялик Антандил Тчрикишвилини соф галаба — "иппон" баҳоси билан енгиб, олтин медалга сазовор бўлди.

90 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда жаҳон чемпиони совриндори Дилшод Чориев франциялик Винсент Массино, испаниялик Алберто Арнал, япониялик Хиротака Католар устидан зафар қучиб, ярим финалда грузиялик Варлам Липартелианига ютқазди.

Париждаги мусобақа Халқаро дзюдо федерацияси томонидан ҳозирча синов тарзида қабул қилинган янги қоидалар асосида ўтказилди.

Мусобақаларда ўзини яхши кўрсатган 66 килограмм вазн тоифасида иштирок этган спортчилар Парижда дастлабки икки баҳсда ютиб, учинчи баҳсда франциялик дзюдочига имкониятни бой берган.

ФУТБОЛ

ОЧЛ: БАА КЛУБЛАРИ ОМАДЛИРОҚ ЧИҚДИ

Осиё футбол конфедерацияси томонидан мамлакатларга белгиланган лимит-тартиб бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида иштирок этиш учун даъвогар бўлган жамоалар ўртасида плей-офф баҳслари бўлиб ўтди.



Халқаро миқёсдаги мусобақадан биринчи бор иштирок этиш имконига эга бўлган Тошкентнинг "Локомотив" клуби ОЧЛ гуруҳ босқичига чиқиш учун БААнинг "Ан Наср" клубига қарши меҳмонда (ушбу босқичда баҳс битта учрашувдан иборат бўлади) тўп сурди.

Эроннинг Кум шаҳрида бўлиб ўтган «Сабои Кум» ва БААнинг «Ал Шабаб» клублари ўртасидаги беллашув эса 1:1 ҳисобида яқунланди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! РМО НАВБАХОРСКОГО РАЙОНА НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

НА ОБЪЕКТ: «Пристройка АБК к зданию детского отделения на 40 коек при Навбахорском РМО Навбахорском районе Навоийской области»

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2013 йил 8 февралдаги 17-сонида берилган эълондаги буюртмачига — 9204 харбий қисмининг "Бухоро шаҳридаги 9204 харбий қисмини газлаштириш ва суелтирилган газни сақлашга мўлжалланган резервуар ўрнатиш" (қўшимча ишлар) объекти бўйича мудоафа объектларида бажариладиган ишларга махсус рўқсатнома (лицензия)га эга бўлган пудрат ташкилотларининг иштирок этишлари талаб қилинади.

МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Advertisement for tractors and agricultural machinery. Includes images of various tractor models and contact information for Togliar.

ЭЪЛОНЛАР

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА! ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-3-1 Тошкент вилояти Қуйи-Чирчиқ туманидаги "В-5-9" ҳўжалиқлараро коллекторни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Footer section containing contact information for the newspaper, including phone numbers, email addresses, and website information.